**Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!**

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№55 (404)
2020 йил 17 июль, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR    t.me/uzbunyodkor    uzbunyodkori@umail.uz

# ЕТАКЧИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 июль куни видеоалоқа орқали нефть-газ кимёси, электр техникаси ва фармацевтика саноатидаги янги лойиҳалар тақдимоти ҳамда ушбу тармоқларни ривожлантириш ишлари бўйича ҳисоботлар билан танишди.

Бутун дунёни қамраб олган пандемия жаҳон иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатаётган бугунги шароитда мамлакатимизда саноатни барқарор ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, уларни монетизация қилиш йўлидан бормоқда. Яъни, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, иқтисодий самарадорликни ошириш чоралари кўрилмоқда.

Тақдимотда нефть ва газ кимёси тармоғидаги ана шундай янги лойиҳалар бўйича маълумот берилди.

Ўтган йили 28 декабрда «Навоийазот» акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилган эди. Бугунги кунда унинг 2-босқичи лойиҳалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа қиймати 440 миллион доллар атрофида бўлиши мўлжалланяпти. 650 киши иш билан таъминланиши, йилига 132 миллион долларлик маҳсулот тайёрланиши режалаштирилган. Шунингдек, замонавий технологиялар ўрнатилиши натижасида катта ҳажмдаги табиий газ тежалади.

25 миллион долларлик навбатдаги лойиҳа водород пероксиди ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Тозалаш-дезинфекциялаш хусусиятига эга бу модда фармацевтика, тиббиёт, тўқимачилик ва маиший ҳаётда кенг қўлланилади. Лойиҳа натижасида 50 та иш ўрни яратилиб, йилига қарийб 20 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ушбу корхонани 2021 йил сентябрда Навоий вилоятида ишга тушириш режалаштирилган.

«Навоийазот» АЖда қиймати 18 миллион доллардан зиёд бўлган яна бир лойиҳа – карбамид формальдегид концентрати ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Жорий йил март ойида мазкур корхона қурилиши бошланган, уни келгуси йил мартда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Бу ерда йилига 9 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилиб, 1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади, 50 та иш жойи очилади.

Қиймати 12 миллион доллар бўлган карбоксиметилцеллюлоза асосида реагентлар ишлаб чиқариш лойиҳаси қурилиш, бурғилаш, озиқ-овқат саноати ва тиббиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Шу йил март ойида Юқори Чирчиқ туманида унинг биринчи босқичи ишга туширилган. 2023 йилгача барча тўрт босқич амалга оширилгач, импорт ўрнини босувчи 9 миллион долларлик, экспортга йўналтириладиган 13 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади. 100 та иш ўрни ташкил этилади.

Кўпикли полипропилен ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 5 миллион доллар бўлиб, унинг натижасида 40 та иш ўрни яратилади, 8 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилади. Бу маҳсулотлар иссиқлик сақловчи қутилар, хавфсизлик шлемлари, автомобиль ўриндиқлари, ўйинчоқлар ва бошқа буюмлар тайёрлашда қўл келади. Ушбу корхонани 2021 йил августда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳалар тақдимоти билан танишиб, уларни жадаллаштириш ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тизимдаги ишларни давом эттириб, қурилиш, автомобилсозлик, фармацевтика соҳаларида талаб юқори синтетик толалар, полиэфир смола, полимерлар, ароматик углеводородлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ҳам муҳокама қилинди.

Карантин даврида ҳам тизимдаги барча корхоналарда узлуксиз ишлашга шарт-шароит яратилди. Натижада олти ойлик режалар бажарилиб, қўшимча 1 миллиард куб метр табиий газ, қарийб 22 минг тонна конденсат ва 1,2 минг тонна нефть қазиб чиқаришга эришилган. 11 та лойиҳа бўйича жами 846,5 миллион доллар инвестициялар ўзлаштирилган.

Президентимиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, импортни қисқартириш, соҳага рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Геология-қидирув ишларини кенгайтириш, углеводородларни қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш бўйича истиқболли лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда фармацевтика ва электр техникаси саноатининг ривожланиш ҳолати, юқори қўшилган қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ушбу тармоқлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда электр техникаси саноатида 429 корхона мавжуд бўлиб, уларда 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, тармоқда 897,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 250,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Фармацевтика саноатида 202 та корхона фаолият юритмоқда. 2019 йил якунида бу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 170 миллион долларни, экспорт 22,1 миллион долларни ташкил этган.

Ушбу икки тармоқда 52 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Фармацевтика корхоналарининг аксарияти оддий формулали дори-дармонларни ишлаб чиқариш билан чекланмоқда. Шу боис импорт қилинадиган маҳсулотлар улуши 79 фоизни ташкил этади. Бу ҳали фойдаланилмаётган улкан салоҳият мавжудлигидан далолат беради. Айни пайтда фармацевтика саноатида умумий қиймати 630 миллион доллар бўлган 93 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда, шундан 355 миллион доллари хорижий инвестициялардир. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш 5,5 минг иш ўрни яратилишини таъминлайди.

Йиғилишда тегишли тармоқ, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Давлатимиз раҳбари фармацевтика ва электр техникаси саноатини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни қўйди.

Илмий ривожланишга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишни рағбатлантириш, шу жумладан, қўшимча эркин иқтисодий зоналар ва илғор ривожланиш ҳудудларини яратиш, ушбу соҳалардаги корхоналар ўртасида кооперацияни чуқурлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва унинг рақобатдошлигини ошириш, маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорга экспортини кўпайтириш, шунингдек, электротехника ва фармацевтика соҳасидаги кадрлар салоҳиятини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**



# БАЗАЛЬТ АРМАТУРА

## инновацион қурилиш материали





**Ривожланиб бораётган қурилиш саноатида металл арматуранинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон шароитида металл арматура асосан четдан импорт бўлаётгани сабабли таннархи қиммат қурилиш материали ҳисобланади.**

Шу сабаб мамлакатимиз қурилиш тармоғига металл арматуранинг ўрнига муқобил вариант сифатида композит полимер арматуралар кириб келмоқда. Композит полимер арматураларнинг металл арматураларга нисбатан бир қатор афзалликлари мавжуд, жумладан улар 4 мартагача енгил, юк кўтариш қуввати 3 баробарга юқори, шунингдек, диэлектрик, коррозияга чидамли ва агрессив муҳитларга яхши мослаша олади.

Базальт арматураси намни ўзига тортмайди, зангламайди, электр токини ўтказмайди ва иссиқлик ўтказиш қобилияти ниҳоят паст. Базальт – шу турдаги материаллар орасида энг экологик хавфсиз, уни монтаж қилиш анча осон ва нархи арзон. Базальт толаси базальт, базанит, габродиабаз каби табиий минералларни ва уларнинг аралашмаларини эритиш йўли билан олинадиган табиий материалдир.

Хўш, базальт арматуранинг афзалликлари нималардан иборат. Аввало, композит арматурали қурилма зангламайди, бетон қоришмаларининг ишқорли муҳитларига бардошли. Толалар тузли ва кислота қоришмаларига барқарор. Техник хусусиятлари узоқ муддат ичида сақланади. Базальт-композит материал магнитга нисбатан инерт, магнит унга таъсир этмайди, хусусиятларини ўзгартирмайди, электр токини ўтказмайди. Пўлат арматурадан фарқли ўлароқ, иссиқлик ўтказиш қобилияти паст. Агар деворда базальт материали ишлатилган бўлса, бу фақат қурилманинг мустаҳкамлигини оширади. Базальт арматурани монтаж қилиш жараёнида электр қуввати ҳам у қадар кўп сарфланмайди.

*(Давоми 2-бетда)*

# СамДАҚИда қабул жараёнлари давом этмоқда

**Республикамиздаги барча олий таълим даргоҳларида бўлгани каби СамДАҚИда ҳам 2020-2021 ўқув йили қабулига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.**




Институт педагогик жамоаси томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда мазкур режа асосидаги ишлар давом эттирилмоқда. Қабул комиссияси таркиби масъулиятли, тажрибали профессор-ўқитувчилар билан шакллантирилган бўлиб, ҳар бир аъзо ўзига белгиланган вазифаларни ҳалол ва сидқидилдан бажариши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

– 2020-2021 ўқув йили учун таълим муассасамизда кундузги бўлимга 16 та таълим йўналишлари, сиртқи бўлимга эса 6 та таълим йўналишлари ҳамда 14 та магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентларнинг ҳужжатлари онлайн тарзда қабул қилинмоқда, – дейди СамДАҚИ қабул комиссияси масъул котиби Абжалил Бойзоқов. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги «2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-4749-сонли қарорига мувофиқ, қабул квоталари тақсимоти бўйича СамДАҚИга кундузги таълим шаклига 1 650 та бакалавр, 93 та магистратура мутахассислиги ва 225 та сиртқи таълим йўналишига жами 1 968 та квота ажратилди. 2019-2020 ўқув йилида қабул квоталарининг жами сони 1 058 тани ташкил этгани эътиборга олинса, бу йилдаги қабул кўрсаткичлари бирмунча ошганини кўриш мумкин.

Бу йилги қабул жараёнлари, ҳужжатларни онлайн топшириш тартиблари, зарур бўладиган ҳужжатлар, ёшлар учун жорий этилган имтиёзлар, кириш имтиҳонларининг санаси ва қай тарзда ўтказилиши борасидаги маълумотлар айниқса, бугунгидек пандемия шароитида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтириши табиий. Айнан мазкур вазиятдан келиб чиққан ҳолда СамДАҚИда «Call марказ» ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ операторлари душанбадан шанбагача соат 9.00-18.00 гача бўлган вақт оралиғида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларига жавоб бермоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрига қадар ўз фаолиятини давом эттирувчи мазкур марказ мутахассислари телефон орқали келиб тушаётган мурожаатларга ўз вақтида тезкор жавоб қайтармоқдалар. Булардан ташқари, институтда абитуриентлар учун маслаҳат хоналари ташкил этилган бўлиб, бу ерда улар кириш имтиҳонларидаги ҳар бир фан бўйича мутахассислардан атрофлича маълумотлар олишлари учун шароитлар яратилган.

*(Давоми 2-бетда)*

# БАЗАЛЬТ АРМАТУРА

## инновацион қурилиш материали

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мутахассисларнинг фикрича, бутун дунёда юқори сифатли маҳсулот, инновацион қурилиш материали ҳисобланган базальт арматураси темир арматуранинг бир кўриниши бўлиб, унинг 80 фоизи космик ва ҳарбий саноатда, кемасозлик ва самолётсозликда қўлланадиган ровинг деб номланувчи узлуксиз базальт толадан иборат. Базальт арматура темир арматурага қараганда арзон ва енгил бўлиб, бу унинг транспортировкасига кетадиган харажатларни қисқартириш имконини беради. У намлик даражаси юқори бўлган муҳитга эга конструкциялар учун жуда мос тушгани сабабли уни яхмалаклар, гидроиншоотлар, оқова ариқлар, каналлар, канализациялар, бассейнлар қурилишида қўллаш мумкин. Шунингдек, ундан катта кўламли қурилишларда, яъни метро, кўприк, автомобиль трассалари ва темир йўл кўтармаларини барпо этишда ҳам фойдаланса бўлади.

Ҳозирги кунда Тошкент архитектура-қурилиш институти Қурилиш конструкциялари кафедраси педагогик жамоаси, жумладан техника фанлари номзоди, профессор Пўлат Мирзаев ва PhD бўйича таянч докторант Барҳаёт Аҳмедов Ўзбекистон шароитида композит полимер арматураларнинг қўлланиши бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Қурилиш материаллари лабораторияси ҳисобланган «Гидропроект» АЖда композит арматуралар билан қопланган 2150х380х220 мм ўлчамдаги бетон перемичкани мустаҳкамлик, ёрикбардошликка гидравлик домкрат билан текшириш борасидаги илмий изланишлар шулар жумласидан. Шунингдек, «Binokor temir-beton servis» МЧЖнинг қурилиш материаллари ва конструкциялари синов лабораторясида Жиззах вилояти Фориш туманида ишлаб чиқарилган базальт толали



расидан қишлоқ ҳудудида намунавий уйлар қурилишида, сув иншоотлари, кўп қаватли уйлар, турли ижтимоий соҳа объектларининг бунёд этилишида фойдаланилмоқда.

– 2019 йилнинг 10-11 декабрь кунлари Россия Федерацияси қурилишида композит полимер арматурани шу арматуралардан тайёрланган автомобиль йўллари учун мўлжалланган 1200х1200х150 мм ўлчамдаги плитани мустаҳкамлик ва деформацияси бўйича амалий тадқиқотлар олиб борилди.

Қурилиш соҳаси тобора ривожланиб бораётган мамлакатимизда сифатли, рақобатбардош, қулай, тежамкор ва инновацион қурилиш материалларига эҳтиёж ортмоқда. Эътиборли жиҳати, бугунги кунда базальт толасидан ишлаб чиқарилаётган арматуралар ўзининг сифати ва чидамлиги билан ажралиб туради. Муқобил материаллар, хусусан, базальт армату-

жумладан, бошқа композит материаллар ва буюмларни ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш мақсадида бир гуруҳ соҳа вакиллари Москва шаҳрида малака ошириб қайтдик, – дейди Барҳаёт Аҳмедов. – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур малака ошириш доирасида А. А. Гвоздев номидаги илмий-текшириш марказида илмий ходимлар, хусусан «Бетон ва темир-бетон конструкцияларнинг коррозияси ва мустаҳкамлиги» лабораторияси мудири, техника фанлари доктори, профессор, Халқаро муҳандислик Академиясининг академиги В. Ф. Степанова билан илмий-амалий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда композит полимер арматуранинг Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқариш ва унинг қўлланиш технологиялари хусусида атрофлича фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик. Албатта, бу каби учрашувлар қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларни амалиётда самарали қўллаш борасида тажриба ошириш учун жуда фойдали.

Албатта бугунги кунда қурилишда кенг фойдаланиладиган темир-бетон қурилмалардаги металл арматураларни коррозияга учрамайдиган ва оғир юк кўтариш қувватига эга бўлган композит арматурага алмаштириш иқтисодий жиҳатдан самарадор ҳисобланади. Базальт толаси асосидаги юқори мустаҳкам нометалл арматура мутахассисларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Базальт пластикли арматурани қурилишга татбиқ этиш эса анча қулай ва арзонроқ ҳамда базальт асосидаги бошқа композит қурилиш материалларини ишлаб чиқариш Ўзбекистон учун истиқболли.

– Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган композит базаль пластик арматура ва базальтдан олинадиган бошқа материаллардан қурилиш соҳасида фойдаланиш давр тақозоси, – дейди Пўлат Мирзаев. – Бу борада меъёрий ҳуқуқий база, жумладан конструктив ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Соҳа олимлари томонидан илгари сурилаётган «Композит полимер арматурали бетон конструкциялари» лойиҳасидан кўзланган мақсад бино ва иншоотлар қурилишида базальт асосидаги композит материаллардан фойдаланиб тайёрланадиган қурилмалар ва буюмларни саноат нуқтаи назаридан қўллашга шароитлар яратишдан иборат. Базальт асосидаги композит материаллардан тайёрланадиган қурилмалар ва буюмларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ҳамда қуриш учун меъёрий-техник ҳужжатларни яратишга қаратилган мазкур лойиҳанинг илмий янгилиги ўтказиладиган тадқиқотлар ва базальт пластикли арматура билан қопланган қурилмаларни синовдан ўтказишдан иборат.

# СамДАҚИда қабул жараёнлари давом этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, фуқаролиги бўлмаган абитуриентларни рўйхатга олиш ҳамда касбий, яъни ижодий имтиҳонлар топширувчи абитуриентларга зарур маълумотларни етказиш мақсадида масъул ходимлар бириктирилган. Ходимлар карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда масофа сақлаб абитуриентларга хизмат кўрсатишмоқда.

Маълумки, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига талабаларни қабул қилиш учун тест синовларисиз ижодий имтиҳонлар ўтказилади. СамДАҚИ раҳбариятининг 2020 йил 3 июлдаги буйруғига биноан ижодий имтиҳонларни ўтказиш бўйича комиссия аъзолари, аудитория кузатувчилари ва назоратчилар таркиби шакллантирилиб, касбий имтиҳонлар дастури ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ҳамда тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланди.

Ижодий имтиҳонларни белгиланган талаблар асосида ўтказиш мақсадида Давлат тест маркази ва тегишли вазирликлар тавсиясига мувофиқ институт ҳудудида жами 431 та ўринга мўлжалланган аудиториялар ва заллар пандемия шароити ҳамда карантин талаблари инобатга олинган ҳолда тайёрланди. Абитуриентларга қулай шароит яратиш мақсадида Дизайн ва архитектуравий муҳит дизайни таълим йўналиши учун 2 та ижодий имтиҳон бир куннинг ўзида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Касбий имтиҳонларнинг дастурлари институт раҳбарияти ва тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, имтиҳонларни ўтказиш куни, вақти ва жойини белгилаш борасида бугунги кунда музокаралар олиб борилмоқда.

Жамиятимизнинг барча соҳаларига АКТ кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда кириш имтиҳонларининг шаффоф ва адолат тамойилллари асосида ўтишини таъминлаш мақсадида видеокузатув камераларидан самарали фойдаланилмоқда. СамДАҚИда ижодий имтиҳонлар ўтказиладиган барча хоналарга ҳам шу каби техника воситалари ўрнатилди ва видеокузатувларни институт сайтига тўғридан-тўғри трансляция қилиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда институтдаги мавжуд кафедралар томонидан 2020 йил 20 июнга қадар магистратурага кириш синовлари учун тегишли мутахассисликлар соҳаларида талабгорларнинг илмий-педагогик лаёқати ёки илм олиш қобилиятини аниқловчи тест саволларидан иборат база шакллантирилди. Истисно тариқасида, коронавирус пандемиясига қарши курашиш чора-тадбирларидан келиб чиқиб, 2020-2021 ўқув йили учун магистратурага кириш имтиҳонлари 2020 йилнинг 3 дан 20 августига қадар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига қулай бўлиши ва зарур ахборотларни уларга етказиш мақсадида мазкур олий таълим муассасасининг расмий сайти орқали қабулга оид меъёрий-ҳужжатлар, статистик маълумотлар, касбга йўналтирувчи тарғибот-ташвиқот лавҳалари, фанлар бўйича дастурлар, маслаҳатлар жадвали ва бошқа маълумотлар эълон қилиб борилмоқда. ДТМнинг маълумотларига кўра, ҳозирга қадар СамДАҚИнинг кундузги таълим йўналишидаги ўзбек тилидаги йўналишига 19 643 та, сиртқига 15 659 та, рус тилида олиб бориладиган таълим йўналишига эса 2 842 та, жами 38 144 та абитуриент танловда қатнашиш учун рўйхатдан ўтган.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**



# Маҳаллий ёшлар бандлиги таъминланмоқда



**Сурхондарё вилояти Ангор туманида аҳоли, хусусан ёшлар бандлигини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.**

«Ангор Сурхон томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамиятида ишсиз ёшларга ҳунар ўргатилади. Айни пайтда бу ерда 20 нафардан ортиқ ёшлар темирчилик сир-асрорларини ўрганмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур МЧЖ 2 нафар ишчи билан фаолият бошлаган бўлса, бугунга келиб 10 дан зиёд уюшмаган ёшлар бу ерда иш ўрнига эга бўлди.

– Туманимизда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар учун субсидия асосида бир сотихли иссиқхона қуриб берилмоқда, – дейди МЧЖ раҳбари Ойбек Каримов. – Айни вақтда жамоамиз билан ушбу иссиқхоналарни тайёрлаяпмиз. Бундан ташқари, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳа бўйича гилам тўқиш дастгоҳини ҳозирлаш вазифасини ҳам зиммамизга олганмиз.

Ҳунарли бўлган ҳар бир ёшнинг бандлигини таъминлаш орқали мамлакат ривожига ҳисса қўшадиган ишбилармонлар сафини кенгайтириш мумкин. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

**Суратларда:** «Ангор Сурхон томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамиятида.

**Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

НУҚТАИ НАЗАР

# Чекка ҳудудлардаги кадрлар етишмовчилигини қандай ҳал этиш мумкин?

**Сайловчиларимизда бу саволга жавоб бўладиган таклифлар бор.**

Сўнгги кунларда олий таълим муассасаларига қабул жараёни асосий мавзулардан бирига айланди. Қандай қилиб онлайн ҳужжат топшириш керак? 5 та йўналиш қай тартибда танланади? Ўқишнинг сиртқи, кечки турини танлашда нимага эътибор берилади? Тест саволлари қай даражада соддалаштирилди? Шу каби саволлар муҳокамалар марказида бўлиб турибди.

Эсласак, тўрт-беш йил олдин абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари бу саволларнинг яқинига ҳам йўлашмас, х-вариантни қаердан топиш мумкин, кимни "танка" қилса бўлади, қайси таълим муассасасига киритишга пули етади, қаерда кўпроқ боланинг пулига эмас, билимига қаралади каби мавзулар трендга чиқар эди. Муҳокама қилинаётган мавзулар ўртасидаги фарқ ушбу соҳада қилинган ўзгаришларнинг кенг қамровлилиги ва натижадорлигини намоён этмоқда.

Ўзгаришлар ҳақида гапирганда, қабул квоталари сонининг оширилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Мисол учун, олий таълим муассасалари 2016 йилда 57 907 нафар талабани қабул қилган бўлса, жорий йилда 139 950 нафар ёшлар талабаликка қабул қилинади. Кўриб турганимиздек, ўтган беш йил ичида квоталар сони 2,5 бараварга оширилди.

Энди ўз-ўзидан бир нечта савол туғилади: Бу кўрсаткич иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудлар учун етарли миқдорми? Қабул квоталарини ошириш орқали чекка ҳудудлардаги мутахассисларга бўлган талабни қанчалик қондира оламиз? Бир нечта вазирликлар ўртасида ҳамкорликда шакллантириладиган соҳалардаги кадрларга талаб бўйича тузиладиган квоталар сони бугун қанчалик ўзини оқламоқда? Келинг, ушбу саволларга бир туманнинг икки қишлоғи мисолида жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Қашқадарё вилояти Миришкор туманининг энг йирик аҳоли манзилгоҳлари саналган Помуқ ва Чандир қишлоқларида қарийб 40 минг киши истиқомат қилади. Мазкур ҳудудда Помуқ шифохонаси ҳамда Чандир қишлоқ участка шифохонаси, 10 та умумий ўрта таълим мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Аммо олий маълумотли мутахассислар тақчиллиги натижасида ушбу тиббиёт муассасалари ва билим масканларида ишловчиларнинг асосий қисмини ўрта махсус маълумотли мутахассислар ва олис масофалардан вақтинча қатнаб ишлайдиган кадрлар ташкил этади.

Тиббиёт соҳасида юқорида номлари келтирилган иккита муассасада штат бирлиги бўйича 43 нафар олий маълумотли шифокор ишлаши талаб этилади. Айни вақтда эса уларда 19 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 8 нафари нафақадаги шифокор бўлса, 6 нафари турли манзиллардан қатнаб ишламоқда.

Мавжуд 10 та умумий ўрта таълим мактабида, айниқса, бошланғич таълим, она тили ва адабиёти, рус тили, чет тили, физика, кимё, биология, психология, математика, информатика, тарих фани ўқитувчиларига эҳтиёж катта. Шу боис барча мактабларда малакали мутахассислар етишмаслиги натижасида вакансия соатлари сақланиб қоляпти. Асосий дарсларни бошқа ҳудудлардан қатнаб ишловчи кадрларга ўриндошлик асосида беришга тўғри келяпти. Биргина Помуқ қишлоғидаги 22-мактабга 10 нафар, 23-мактабга 4 нафар, 24-мактабга 17 нафар, 25-мактабга 8 нафар, 37-мактабга 11 нафар, жами 50 нафар ўқитувчи олис масофалардан қатнаб ишласа, фаолият кўрсатаётган педагогларнинг 36 нафарини нафақадагилар ташкил этади.

Мазкур ҳолат туфайли Помуқ ва Чандир қишлоқлари аҳолиси сифатли таълим, қолаверса, малакали тиббий хизматдан фойдалана олмаяпти. Афсуски, бу каби рақамлар ҳамда вазият фақатгина шу ҳудудгагина тегишли, дея олмаймиз. Мамлакатимизнинг исталган чекка ҳудуди аҳолисини шу муаммо қийнаб келмоқда.

Бунинг узоқ давом этишига яна бир сабаб бор. Яъни сифатли таълим ололмаган чекка ҳудуд ёшлари олий таълимга кириш жараёнида сифатлироқ таълим олган марказларда яшовчи абитуриентларга рақобатда ютқазмоқда ва ўрта-махсус маълумотли мутахассис бўлиб қолмоқда. Буларни ортда қолдириб, талабага айланган марказда ёки ўқитувчилар вакансияси йўқ ҳудудда ўқиган талабалар чекка қишлоқларга келиб ишлашни умуман хоҳлашмайди. Натижада, квотани ҳар қанча кўпайтирган билан чекка ҳудудлардаги олий маълумотлиларга бўлган талабни яқин орада қондира олмаймиз. Кимё фанини ҳам физика ўқитувчиси ўтувчи мактаб ўқувчилари эса ўзларидан сифатлироқ таълим олган шерикларига ютқазаверади.

Тўғри, яқинда давлат гранти асосида ўқиётган битирувчиларни чекка ҳудудда уч йил ишлаб бериш шарти билан жўнатиш таклифи кўтарилди. Фикримча, бу йўл билан ҳозир муаммони бартараф эта олмаймиз. Чунки ушбу тизимнинг жорий қилиниши таълим муассасаларида тақсимот жараёнларида коррупцион ҳолатларни (кимнидир рўйхатдан тушириб қолдириш, кимнидир яқинроқ ҳудудларга жўнатиш) келтириб чиқариши мумкин. Шу билан бирга, юқорида асосий эҳтиёж таълим ва тиббиёт муассасаларидаги вакансияси ҳақида сўз юритилмоқда. Маълумки, бу йўналишдаги олий таълим муассасаларининг аксарият битирувчилари қизлар ҳисобланади. Аксарият ота-оналар қизини республикамизнинг чекка ҳудудига жўнатишга розилик бериши эса жуда қийин масала.

Амалиётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Помуқ ва Чандир ҳудудида тиббиёт, педагогика йўналишидаги кадрлар эҳтиёжини чеккадан қатнаб ишлайдиган мутахассислар ҳисобига қоплаш тажрибаси ўзини оқламаяпти. Мавжуд қийинчиликларни рўкач қилиб, бир ёки икки йил ишлаган мутахассис ўзига қулай ҳудудларга кетиб қоляпти. Демак, қабул квоталарини кўпайтириш ёки битирувчиларни чекка ҳудудларга жўнатиш муаммога ечим бўлолмайди.

Помуқ, Чандир қишлоқлари каби чекка ҳудудлардаги кадрлар етишмовчилигини қандай ҳал этиш мумкин? Аҳоли билан учрашувлар жараёнида сайловчиларимизнинг ўзлари бунга жавобини ҳам айтишди. Яъни ҳудуднинг ватанпарвар, ўз қишлоғи учун хизмат қилишни истайдиган, мактабларда ва шифохоналарда кўп йиллардан буён ишлаб келаётган ўрта махсус маълумотли кадрлар ва мактабларнинг битирувчиларига тегишли вазирликлар томонидан мақсадли квота ажратилса, олам гулистон. Шунда уларнинг хоҳловчилари кундузги, хоҳловчилари ишдан ажралмаган ҳолда кечки, сиртқи шаклда ўқиб ўз қишлоғи учун малакали кадрга айланар эди. Тўғри, ҳозир ҳам мақсадли қабул учун квоталар ажратилмоқда. Аммо буни етарли ёки мавжуд эҳтиёжни тўлиқ қондиради, деб айта олмаймиз. Мисол учун, Миришкор тумани учун жорий йилда соғлиқни сақлаш йўналишида 9 та, педагогика соҳасида 23 та мақсадли квота ажратилган. Помуқ ва Чандир қишлоғи каби 10 дан ортиқ қишлоғи бор бўлган туманга ажратилган квота битта қишлоқнинг ҳам эҳтиёжини қондира олмайди.

Бу ерда масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни иқтидори бўла туриб, таълим сифати пастлиги учун етарли билим ололмаган чекка ҳудудлар аҳолисига мутасадди ташкилотлар бепул тайёрлов курсларини очиши лозим бўлади. Бу бир томондан ёшларнинг бўш вақтини илм олишга сарфлашига олиб келса, иккинчи томондан олий таълим муассасаси учун етарли базага эга бўлади. Ўша ҳудудларнинг ўзида ташкил этилувчи бу курсларнинг яна бир афзаллиги молиявий имконияти ёки бошқа сабаб билан марказдаги репетиторларга қатнай олмаётган ёшлар учун ҳам имконият яратилган бўлади.

Албатта, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар бир ёки икки йилда бартараф этилишини сўраш ҳам ноўрин. Аммо, тегишли мутасаддилар қабул квоталарини бунчага оширдик, бу йил шунча битирувчига диплом берилди каби рақамларга маҳлиё бўлавермасдан, чекка-чекка ҳудудларни ҳам олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўриши лозим. Зеро, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қаерда яшашидан қатъи назар, сифатли таълим ва тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга.

Мақсадли қабул квоталарини кўпайтириш орқали биз шунчаки битирувчиларни эмас, малакали кадрлар хизматига муҳтож бўлиб турган миллионлаб аҳолимиз эҳтиёжларини қондирамиз ва натижада уларнинг ўз ҳаётидан, бугунидан рози бўлиб яшашига ҳисса қўшамиз.

**Маҳфират ХУШВАҚТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**«Адолат» СДП фракцияси аъзоси.**

## СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**

**Форма финансирования:** Истисна’а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-03**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения и канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 1,646 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Навоийской области.

**Срок строительства составляет** – 4 (четыре) месяца.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Навоийская область |
|---|
| **Адрес:** г. Навои, ул. Зарапетян, 1.<br>**Телефон:** (79) 220-50-03.<br>**Факс:** (79) 220-50-04. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка (о невозмещаемой оплате в размере одной МЗРП).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Навоийская область |
|---|
| **Банк:** Навоийский городской филиал<br>АКИБ «Ипотека банк»<br>**Р/с:** 2021 0000 8039 0394 6001<br>**ИНН:** 202 615 785 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Навоийская область |
|---|
| **Адрес:** г. Навои, ул. Зарапетян, 1.<br>**Телефон:** (79) 220-50-03.<br>**Факс:** (79) 220-50-04. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-03 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность дороги (п.м.) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|
| по Навоийской области | | | **1646** | 4 месяца | 13 августа 2020 года, 11.00 |
| ИБР-94 | Кызылтепинский | «Бунёдкор» | 735 | | |
| | Карманинский | «Маликрабод» | 911 | | |

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Выполнение земляных работ в объёмах по крайней мере ___ м³ в течение одного года | Выполнение бетонных работ по строительству искусственных сооружений *(подпорные стенки, бордюры, ж/б лотки, приямки, мосты, ж/б опоры и т.д.)* в объёмах по крайней мере ___ м³ в течение одного года | Завершенное строительство автомобильных и внутримассивных дорог: общей площадью не менее ___ м² | Завершенное строительство автомобильных и внутримассивных дорог: общей протяжённостью не менее __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Навоийская** | ИБР-94 | 2 300,00 | 400,00 | 1 200,00 | 3 | 5 000 | 300 | 10 000 | 2 000 |

## СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) и строительство сетей канализации**

**Форма финансирования:** Истисна’а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-04**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения и канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для:

а) строительства 947 п.м. сетей канализации в сельской местности Джизакской области *(срок строительства составляет – 3 месяца)*;

б) поставки, установки и шеф-монтажа локального очистного сооружения (ЛОС) ёмкостью по 50 м³ и строительства 2 349 п.м. сетей канализации в сельской местности Наманганской области *(срок строительства составляет – 4 месяца)*.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных Территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенным адресам в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Джизакская область | Наманганская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Джизак,<br>ул. И. Каримова.<br>**Телефон:** (72) 226-14-66.<br>**Факс:** (72) 226-14-66. | **Адрес:** г. Наманган,<br>ул. Навои, 22.<br>**Телефон:** (69) 227-94-30.<br>**Факс:** (69) 227-91-47. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанным адресам с приложением платежного поручения из банка (о невозмещаемой оплате в размере одной МЗРП).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Джизакская область | Наманганская область |
|---|---|
| **Банк:** Джизакский филиал<br>АКИБ «Ипотека-банк»<br>**Р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001<br>**ИНН:** 202 411 803 | **Банк:** филиал Юксалиш<br>АКБ «Hamkorbank»<br>**Р/с:** 2021 0000 8031 9675 2001<br>**ИНН:** 202 393 842 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанным адресам:**

| Джизакская область | Наманганская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Джизак,<br>ул. И. Каримова.<br>**Телефон:** (72) 226-14-66.<br>**Факс:** (72) 226-14-66. | **Адрес:** г. Наманган,<br>ул. Навои, 22.<br>**Телефон:** (69) 227-94-30.<br>**Факс:** (69) 227-91-47. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Протяженность сетей канализации (п.м.) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|
| по Джизакской области | | | **947** | 3 месяца | 17 августа 2020 года, 10.00 |
| ИБР-95 | Шароф Рашидов | «Токчилик» | 947 | | |

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года: со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года: общей протяжённостью более __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Джизакская** | ИБР-95 | 800,00 | 150,00 | 450,00 | 3 | 2000 | 50 | 500 | 1000 |

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью 50 м³ | Протяженность сетей канализации (п.м.) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| по Наманганской области | | | 1 | **2 349** | 4 месяца | 17 августа 2020 года, 10.00 |
| ИБР-96 | Нарынский | «Бузулмас» | 1 | 362 | | |
| | Чартакский | «Дустлик» | | 1 609 | | |
| | Янгикурганский | «Водий» | | 378 | | |

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Завершение поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее ___ единиц, за последние 3 (три) года | Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года: со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года: общей протяжённостью более __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Наманганская** | ИБР-96 | 2800,00 | 500,00 | 1500,00 | 3 | 3 | 2000 | 100 | 1000 | 3000 |

## ТУЗАТИШ

«O‘zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 3 июлдаги 50-51-сонида берилган 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдолари эълонидаги лотлар рўйхатида Наманган тумани, «Кичик Тошбулоқ» МФЙдаги хонадон сони 55 та эмас, 60 та, шундан 55 таси ОТБ маблағлари, 5 таси ғолиб пудратчи ташкилот ҳисобидан, Тўрақўрғон тумани, «Чуст кўприк» МФЙдаги хонадон 45 та эмас, 50 та, шундан 45 таси ОТБ маблағлари ҳисобидан, 5 таси ғолиб пудрат ташкилоти ҳисобидан қурилади, Норин туманидаги 48 квартирали уй 5-қаватли эмас, 4 қаватли деб ўқилсин.

Қуйида ўзгартиришдан кейинги жадвал берилмоқда

**Лотлар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: сони | Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: хонадон | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: сони | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: хонадон | Олти қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: сони | Олти қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар: хонадон | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | Наманган тумани | «Кичик Тошбулоқ» МФЙ | 60 | | | | | 1 | 60 | 2020 йил 3 август, 11.00 |
| 4 | Норин тумани | «Бузилмас» МФЙ | 48 | 2 | 48 | | | | | 2020 йил 3 август, 11.30 |
| 6 | Тўрақўрғон тумани | «Чуст кўприк» МФЙ | 50 | | | 1 | 50 | | | 2020 йил 3 август, 12.30 |

## «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 10 июлдан 1 августга қадар қатъий карантин чоралари белгилангани ҳамда тендер комиссияси аъзоларининг тўлиқ иштирок этиши таъминлана олмаслигини инобатга олиб, **«Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси** томонидан dxarid.uzex.uz электрон порталига 2020 йил 1 июль куни 7028434-лот билан «Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонаси учун оқава тизимлари ва оқава тозалаш иншоотларини қуриш» объекти бўйича берилган эълондаги муддатлар қуйидагича узайтирилганини билдирамиз: **тендер ҳужжатларини қабул қилиш** – 31 июлга қадар ва **тендер савдоларини ўтказиш** – 31 июлдан кейин.



# Axsikent туризм манзилига айлантирилади

**Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг «Шаҳанд» қишлоғи ҳудудидаги Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган «Ахсикент» археологик ёдгорлик мажмуаси эрамиздан аввалги III асрда ташкил топган бўлиб, ушбу тарихий объект қадимги Фарғона давлатининг пойтахти, Буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган.**

келгусидаги кўриниши ва яна қандай янги бинолар ташкил этилишига оид бош режа ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Унга кўра, Археология музейи ва Археологлар мактаби янгидан барпо этилади. Бугунги кунда олимларимиз томонидан олиб борилаётган археологик ишлар натижасида топилган ашёлар ва турли тарихий буюмлар келгусида ана шу музейнинг экспонат залларини тўлдиради. Шунингдек, объектда қадим меъморий анъаналарни ўзида мужассам этувчи Карвонсарой ҳам қад кўтаради. Бу ерда маҳаллий ҳамда хорижлик меҳмонларнинг ўзлари ва уловлари учун махсус жойлар ажратилади. Меҳмонларнинг Карвонсаройда бир муддат дам олишлари кўзда тутилиб, барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилиши режалаштирилган.



Тарихий манбаларда, хусусан, «Бобурнома»да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу манзилда ер ости сув иншооти бўлгани боис мудофаа учун қулай ҳисобланган. Бу маскан Арк, ички ва ташқи шаҳардан иборат бўлиб, ҳунармандчиликнинг шишасозлик, кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик каби турлари ривожланган. 1620 йилларга келиб зилзила оқибатида улкан шаҳар вайрон бўлгани ҳақида тарихий маълумотлар бор.

– Бугунги кунда харобаларнинг 70 гектарга яқин қисми сақланиб қолган бўлиб, объект водийдаги энг катта археологик ёдгорликдир, – дейди «Ахсикент археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси» директори Баҳодир Раҳмонов. – Бугунги кунга қадар археологлар томонидан темирчилар устахонаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жомеъ масжиди, мудофаа деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, ҳунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи – Арк қазиб ўрганилган бўлиб, келажакда очиқ осмон остидаги музейлар сифатида меҳмонлар эътиборини жалб қилувчи ушбу объектларда якуний консервация ва реставрация ишлари олиб борилмоқда.

Айни кунларда қадимий Ахсикент муҳофаза этиладиган объект сифатида 4,5 минг метрлик темир тўсиқлар билан ўралган. Унинг

«Ахсикент» Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашгани сабабли сув бўйида эндиликда замонавий чойхоналар, кемпинглар, овқатланиш шохобчалари, хизмат кўрсатиш уйлари, катталар ва болалар дам олиш масканлари, ўриндиқлар қурилиши режалаштирилган. Бош режага мувофиқ, шунингдек Ахсикентнинг қадимий довруғини тиклаш мақсадида рамзий дарвоза қурилиб, Камолиддин Беҳзод чизган суратлар асосида Умаршайх Мирзо ва Бобурнинг ҳайкали бунёд этилади. Булардан ташқари, бу ерга келган сайёҳлар учун Сирдарё бўйлаб қайиқларда сайр қилиш, туяда кўҳна шаҳарни томоша қилиш имконияти яратилади. Ушбу тарихий масканда зарур инфратузилма, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, уни туризм манзилига айлантирилиши борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

– Пандемия шароитида ходимларимиз масофани сақлаган ҳолда объектда таъмирлаш-созлаш ишларини бажармоқдалар, – дейди суҳбатдошимиз. – Бу каби ишларга «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан тақдим этилган 1 та экскаватор ва 2 та «Дамас» русумли хизмат машиналари ҳамда қурувчи муҳандислар, малакали қурувчилар жалб этилган. Илмий ходимларимиз томонидан эса археологик тадқиқотлар олиб борилиб, музей экспонатларини бойитиш борасида илмий изланишлар йўлга қўйилган. Ҳудуд атрофида шу кунга қадар истиқомат қилиб келган 15 та хонадон эгаларига маҳаллий ҳокимлик томонидан бадал пуллари тўлаб берилди.

Мазкур ёдгорлик Наманган вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Айтиш керакки, бугунги кунга қадар ўтказилган юртимиз ва хориждаги сайёҳлик кўргазмаларида қадимий Ахсикент ҳақида тақдимотлар ўтказилиши натижасида чет элликлар ўртасида ёдгорликка қизиқиш ортмоқда.

Маълумотларга кўра, ушбу муқаддас масканга ҳозиргача Бельгия, Австрия, Япония, Жанубий Корея, Россия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюришган. Қадамжони тадқиқ этиш, унинг жозибадорлиги ва сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида махсус концепция ишлаб чиқилган бўлиб, айни кунда шу асосда Фарғона водийсида ички туризмни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Бугун Ахсикент тарихини илмий асосланган ҳолда чуқур ўрганиш, аждодларимизнинг асл ўтмиши ҳақида маълумотларни тўплаш ва ёш авлодга етказиш давр тақозоси. Ахсикент – буюк тарихимиз кўзгуси. Бу манзилда боболаримиз яшаган, қаҳрамонлик кўрсатган. Шу сабаб маънавиятимизни юксалтириш йўлида ота-боболаримизнинг асл меросидан баҳраманд бўлишимиз лозим. Бугунги кунда Наманган давлат университети билан ўрнатилган ҳамкорлик доирасида археология таълим йўналишларини ташкил этиш, машғулотларни тарихий объектда олиб бориш, мактаб ва университетдаги амалий машғулотлар ва дарсларниг айримларини шу ерда ташкил этиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унга кўра, зарур биноларни қуриш ишлари режалаштирилган.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**



**Барчамизга маълумки, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, истеъмолчиларни сифатли ҳамда ишончли электр энергияси билан таъминлаш орқали аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Тизимда фаолият юритаётган соҳа заҳматкашларининг меҳнати туфайли жойларда бу борадаги саъй-ҳаракатлар тизимли амалга оширилиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар изчиллик билан ҳал қилинмоқда.**

# Мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда



Бугунги синовли кунларда «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ ишчи-ходимлари ҳам давлатимиз томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Карантин шароитида санитария-гигиена қоидаларига амал қилишда ўта муҳим бўлган электр энергияни аҳолига узлуксиз етказиш учун ўз ҳаловатидан кечиб, кунни тунга улаб бор билим ва тажрибасини аямай, матонат кўрсатиб келаётган минглаб соҳа ходимларининг ҳар куни қаҳрамонликдан, хайрли ишлардан иборат десак, муболаға бўлмайди.



Кейинги йилларда қабул қилинаётган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энергетика соҳасини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2661 сонли қарори юзасидан белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жамият томонидан жорий йилда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кунлик режага кўра, жамият тасарруфидаги 11 та туман электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари томонидан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ҳар қандай мурожаатни тезлик билан бартараф этиш, электр тармоқларидаги авария ҳолатлари, яъни шикастланган юқори кучланишли кабелларни монтаж қилиш, қолаверса аҳолига бир меъёрда сифатли электр энергиясини етказиш учун жойлардаги мавжуд электр энергиясини тақсимлаш пунктларида (ТП) мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб бориш каби муҳим вазифалар бажарилмоқда.

Соҳани янада ривожлантириш, аҳолига сифатли электр энергияси етказиб бериш борасида 2020 йилда жамият ўз олдига долзарб вазифаларни белгилаб олган. Уларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, жорий йилнинг ўтган икки чорагида «Миробод ТЭТК» - 50 та, «Учтепа ТЭТК» - 53 та, «М. Улуғбек ТЭТК» - 84 та, «Шайхонтоҳур ТЭТК» - 61 та, «Сергели ТЭТК» - 57 та, «Бектемир ТЭТК» - 16 та, «Яшнобод ТЭТК» - 57 та, «Юнусобод ТЭТК» - 78 та, «Яккасарой ТЭТК» - 50 та, «Олмазор ТЭТК» - 66 та ҳамда «Чилонзор ТЭТК» - 65 та электр энергиясини тақсимлаш пунктларида мукаммал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бунда жамият мутасаддилари томонидан ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этишлари юзасидан кунлик амалий ишлардан олдин йўриқномалар ўтказилиши йўлга қўйилган бўлиб, олиб борилаётган барча ишлар доимий иш тартиби асосида ташкил этилган.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O`zbekiston bunyodkori» мухбири.**

БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНЛАРИ

# Ҳарбий хизматчи ёнғинда одамлар ҳаётини сақлаб қолди

**...Ўша куни Қиргули мавзесида яшайдиган одамлар куппакундузи, халқ тилида айтганда эса «ёруғ бошида» бир эмас, икки инсон ҳаётини сақлаб қолган қаҳрамонни ўз кўзлари билан кўрди. У Голливуд фильмларидаги каби афсонавий кўринишга эга эмас. Унинг ёпинғич шаклидаги ажабтовур кийимлари ҳам йўқ. У ҳамма қатори инсон. Энг муҳими, унинг одамлар қувончу ташвишларини ўз кўнглидан ўтказа оладиган тоза қалби, юксак одамийлиги бор. Мана шу хислатлар Фарҳоджонни яна бир бор тўғри йўлга бошлади. Қалб амри машаққатлар ортидан уни яна бир бор кўнгил ҳаловатига етказди.**

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Фарғона шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларининг бирида хизмат қилаётган кичик сержант Фарҳоджон Набижонов етти йилдирки, Фарғона шаҳар Қиргули мавзесидаги «Табассум» маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйда ўз оиласи билан ижарада яшаб келади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа содир бўлишидан бироз аввал у хизмат сафаридан уйига қайтиб келган эди.

Кийимларини алмаштириб бўлган Фарҳоджон кичик қизини қўлига олиб, уни ўйната бошлаган эдиямки, кўчадан шовқин-сурон эшитилди. Деразадан қараса, ўзи бир пайтлар ижарада турган қўшни 17-уйдан ёнғин чиқяпти, уй атрофига йиғилган одамлар саросимида. У тезда ўша уй томон ошиқди.

Маълум бўлишича, мазкур уйнинг 25-хонадони ўт ичида қолган. Фарғона шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими қутқарув гуруҳи ҳам чақирув бўйича воқеа жойига етиб келиб, вазиятни ўргана бошлайди. Улар электр таъминотини узиб, ўз ишларини бошлагунча Фарҳоджон тутунга тўлган подъезддан юқорига кўтарилиб, тилсиз ёв ҳунар кўрсатаётган уй эшигини бузиб, ичкарига киради.

Уй ичида чамаси 50-55 ёшлар атрофидаги хонадон соҳиби ҳушсиз ётарди. Фарҳоджон уй эгасини шартта кўтариб оладида, уни хавфсиз жойга – уй ташқарисига олиб чиқиб кетади.

Шу пайт мазкур уйнинг 5 қаватидан қиз боланинг йиғиси эшитила бошлайди. Хавотир ва қўрқув билан воқеани кузатиб турган қўни-қўшнилар сафига ўша бешинчи қаватда истиқомат қилувчи аёл ҳам келиб қўшилади. (У етти ёшли қизини уйда қолдириб, ўзи дорихонага чиққан экан). Қизининг овозидан таниб, унга ёрдам беришларини илтимос қила бошлайди. Ўзи кирай деса, ёнғиннинг зўридан чиққан заҳарли тутун бутун подъездни тутиб кетган, то ўзи яшайдиган бешинчи қаватга кўтарилиб боргунча нима бўлади, худо билади. Фарҳоджон ортиқ ўйлаб ўтирмади, бунга вақт ҳам йўқ эди. Аёлдан уйи калитини олдида, иккинчи бор олов домига равона бўлди. Бу пайтда олов шиддати қўшни уйларга ҳам хавф солаётган, ундан ўтиб олиш эса ўта машаққатли эди. Орадан бироз вақт ўтгач, қўрқувдан дағ-дағ титраётган қизчани кўтариб олиб тушдида уни онасига топширди.

Сўнгра қутқарув гуруҳига оловни бартараф этишда ёрдам берди. Шу тариқа тилсиз ёв сўндирилиб, қаҳрамонимиз томонидан инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Кичик сержант Фарҳоджон Набижоновга кўрсатган жасорати учун маҳалла аҳли, қолаверса, қутқарув гуруҳи вакиллари ҳам ўз миннатдорлигини билдирди.

Кичик сержант Фарҳоджон Набижонов инсонларга ёрдам бериш, ватандошлари ҳаётини сақлаб қолишда ўзининг чинакам ватанпарварлигини намойиш эта олди.

Дарҳақиқат, бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонлар нафақат ўз касбий маҳорати, балки чин инсоний фазилатлари билан ҳам юртдошларимизга ибрат бўлаётир. Армия инсонларни мана шундай олижаноб бўлишга, уларда дахлдорлик ҳиссининг ортиб боришига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Гапимиз сўнгида бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Сўнгги йилларда халқимиз бошига тушаётган синовларни енгиб ўтишда миллий армиямиз роли қанчалик муҳим бўлаётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Она Ўзбекистонни кўз қорачиғидек асрабавайлаётган, унинг сарҳадлари дахлсизлигига жонини тиккан ҳарбийлар ҳар жабҳада фаол. Шунчаки улар жуда камтар. Шу боис ҳам улар ўз қаҳрамонликлари, одамлар ҳаётини сақлаб қолишдаги хизматлари ҳақида кўп гапиравермайди...

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-753.
2170 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Н. Хайруллаева.
ЎзА якуни – 22.40. Топширилди – 23.30.
1 2 3